



ТИББИЁТДА ҚҮЛЛАНИЛИШГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ДЕРМАЗОЛ®

Препаратнинг савдо номи: Дермазол®

Таъсир этувчи модда (ХПН): кетоконазол

Дори шакли: шампунь

Таркиби:

Ҳар бир мл шампунь қуидагиларни сақлайди:

фаол модда: кетоконазол 20 мг

ёрдамчи моддалар: натрий лаурил эфир сульфат, кокодиэтаноламид, пропиленгликоль, динатрий монолаурил эфир сульфосукцинат, макрогол 120 метилглюкоза диолеат, хлористоводородли концентрацияланган кислота, натрий хлорид, натрий гидроксид пеллетлар, бутилгидрокситолуол, понсо 4R, имидомочевина, СК D00923 хушбўй моддаси ва тозаланган сув.

Таърифи: пушти рангдан қизил рангача ўзига хос ҳидли тиниқ қовушқоқ суюқлик.

Фармакотерапевтик гурӯҳи: Ташқи қўлланилиш учун мўлжалланган замбуруғга қарши препаратлар. Имидазол ва триазол ҳосилалари. Кетоконазол.

АТХ коди: D01AC08

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Кетоконазол – имидазол диоксоланнинг замбуруғга қарши ҳосиласи бўлиб, дрожжисимон замбуруғлар, шу жумладан *Malassezia* ва дерматофитларга нисбатан таъсирга эга. Кенг фаоллик доирасига эга.

Фармакокинетикаси

Бош терисига Дермазол® 2% шампуни маҳаллий қўлланилганидан сўнг кетоконазолнинг қон плазмасидаги концентрацияси аниқланмаган. Дермазол® 2% шампуни маҳаллий қўлланилганидан сўнг плазма даражалари бутун тана юзасига суртилганидан кейин аниқланган.

Қўлланилиши

Дермазол® шампуни себорей дерматити, қазғоқ ва *Pityrosporum* туридаги замбуруғ томонидан қўзгатилган кепаксимон темираткини даволаш ва олдини олиш учун мўлжалланган.

Қўллаш усули ва дозалари

Маҳаллий қўлланиш учун мўлжалланган.

Кетоконазол 2% шампуни ўсмирлар ва катта ёшдагилар томонидан қўлланиш учун мўлжалланган.

Шикастланган тери соҳаларига суртилади ва 3-5 дақиқа шу ҳолатда қолдирилади, сўнгра ювиб ташланади.

Даволаи:

Қазғоқ ва себорей дерматити: соч 2-4 ҳафта давомида ҳафтасига икки марта ювилади.

Кепаксимон темиратки: 5 кундан кўп бўлмаган муддат давомида кунига бир маҳал қўлланилади.

Профилактика:

Қазғоқ ва себорей дерматити: 1-2 ҳафта давомида бир маҳал қўлланилади.

Кепаксимон темиратки:

З кундан күп бўлмаган муддат давомида ҳар куни қўёш чиққунгача қўлланилади.

Болалар

12 ёшдан кичик ёшдаги болаларга Дермазол® 2% шампуни құлланилиш хавфсизлиги ва самарадорлиғи аникланмаган.

Ножұя таъсирлари

Кетоконазол 2% шампуни қўлланилиш хавфсизлиги 22 та клиник тадқиқотда иштирок қилган 2890 нафар синалувчидаги баҳоланган. Кетоконазол 2% шампуни бош терисига ва/ёки тана терисига суртилган. Хавфсизликка тегишли умумлаштирилган маълумотлар натижалари асосида ушбу клиник тадқиқотларда $\geq 1\%$ такрорланиш тезлигига эга биронта ҳам ножўя реакция тўғрисида маълум килинмаган.

Куйидаги жадвалда клиник тадқиқотлар давомида Кетоконазол 2% шампуни кўлланилганда ёки препарат бозорга чиқарилганидан сўнг маълум қилинган ножӯя реакциялар акс эттирилган.

Ножүя таъсирлар тақрорланиш тезлиги бўйича қуидаги таснифдан фойдаланиб кўрсатилган: жуда тез-тез ($\geq 1/10$), тез-тез ($\geq 1/100$ дан $< 1/10$ гача), тез-тез эмас ($\geq 1/1,000$ дан $< 1/100$ гача), кам ҳолларда ($\geq 1/10,000$ дан $< 1/1,000$ гача), жуда кам ҳолларда ($< 1/10,000$), номаълум (мавжуд маълумотлар бўйича баҳоланиши мумкин эмас).

Тизим-аъзо синфи	Ножүя таъсирлар		
	Такрорланиш тезлиги		
	Тез-тез эмас ($\geq 1/1,000$ дан $< 1/100$ гача)	Кам ҳолларда ($\geq 1/10,000$ дан $< 1/1,000$ гача)	Номаълум
Иммун тизим томонидан бузилишилар		Үта юқори сезувчанлик	
Нерв тизими томонидан бузилишилар		Дисгевзия	
Инфекциялар ва инвазиялар	Фолликулит		
Кўриши аъзоси томонидан бузилишилар	Гиперсекретор кўз ёшланиши	Кўз қичишиши	
Тери ва тери ости бириктирувчи тўқумалар томонидан бузилишилар	Алопеция Тери қуриши Аномал соч тузилиши Тошма Терининг ловуллаб ачишиш ҳисси	Хуснбузар Контактли дерматит Тери касалланиши Тери эксфолиацияси	Ангио-шишиш Эшакеми Соч ранги ўзгариши
Умумий касалликлар ва дори юборилган жойдаги реакциялар	Дори қўлланилган жойда тери қизариши Дори қўлланилган жойда яллиғланиш Дори қўлланилган жойда қичишиш Дори қўлланилган жойдаги реакция	Дори қўлланилган жойда юқори сезувчанлик Дори қўлланилган жойда пустуллар	

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Анамнезда кетоконазолга ёки унинг ёрдамчи моддаларига ўта юқори сезувчанликда .

Дориларнинг ўзаро таъсири

Тадқиқотлар ўтказилмаган.

Махсус кўрсатмалар

Узоқ вақт ташқи қўлланилиш учун кортикостероидлардан фойдаланадиган пациентларга бекор қилиш таъсиридан сақланиш учун Дермазол® 2% шампуни қўлланилганида стероидлар билан даволанишни аста-секин, 2-3 хафта давомида бекор қилиш тавсия этилади.

Кўзга тушишидан сақлансан. Кўзга тушган ҳолатда, уларни сув билан юваб ташлаш керак.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Препаратнинг ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланилиши юзасидан тегишли ва назоратли тадқиқотлар ўтказилмаган. Мавжуд чекланган маълумотлар кетоконазол маҳаллий қўлланилган вақтда ҳомиладорлик кечишига ёки ҳомила/янги туғилган чақалоқ соғлиғига ножӯя таъсиrlар мавжуд эмаслигидан далолат беради. Ҳайвонларда ўтказилган тадқиқотлар кетоконазолнинг маҳаллий қўлланилишига мувофиқ бўлмаган дозаларда репродуктив токсикликни тасдиқлаган. Эмизикли янги туғилган чақалоқлар/ёш болаларга таъсири тахмин қилинмайди.

Кетоконазол 2% шампуни ҳомиладор бўлмаган аёллар бош терисига суртилгандан сўнг қон плазмасидаги даражаси аниқланмаган. Кетоконазол 2% шампуни тананинг бутун юзасига суртилгандан сўнг қон плазмасидаги даражаси аниқланган. Кетоконазол 2% шампунининг ҳомиладорлик вақтида ва эмизиш даврида қўлланилиши хавфи номаълум.

Транспорт воситасини бошқарни ва бошқа механизмлардан фойдаланиши қобилиятига таъсири

Маълумотлар йўқ.

Дозанинг ошириб юборилиши

Тасодифан ичга тушганида, қувватловчи ва симптоматик тадбирларни ўтказиш керак. Аспирация олдини олиш учун қайт қилишни сунъий равишда қўзғатиш ёки меъдани ювиш тавсия этилмайди.

Чиқарилиш шакли

8 мл дан шампунь сашеларда. 20 та саше тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

50 мл ёки 100 мл дан шампунь юқори зичликка эга полиэтилендан тайёрланган “ёқали”, қайтарма очиладиган қалпоқчали оқ рангли бураладиган қопқоқли флаконларда. Флаконнинг оқ рангли бураладиган қопқоғи ПВХ-иссиқда қисқарувчи плёнкага ўралган. Ҳар бир флакон тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

Сақлаш шароити

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансан.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансан.

Яроқлилик муддати

4 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан берилиш тартиби

Рецептсиз берилади.

Ишлаб чиқарувчи
Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

Ишлаб чиқариш манзили
SP-289(A), RILCO Industrial Area, Chopanki, Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan), Xиндистон.

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори препаратларининг сифати бўйича
эътиrozлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили:**
“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК
100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 16А-уй.
Тел.: + 998 (78) 150 97 97; факс: +998 (78) 150 97 87
Уяли тел.: +99893 388 87 82;
E-mail: pv@kusum.uz